

Ишлаб чиқариш корхоналарида дарс машғулоти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сонли Фармонининг 3-боб 5-бўлимида, ишлаб чиқариш корхоналарида дарс машғулоти ва талабалар амалиётини самарали ташкил этиш ҳамда Институтимизнинг 2019 йил 30 сентябрдаги 6-мажлис баёнининг 12-бандига асосан, яъни Институтда талабаларни 5+1 (беш кун институтда ва бир кун ишлаб чиқаришда) тизими асосида ўқитишни жорий этиш мақсадида, 5430500-Қишлоқ хўжалигида энергия таъминоти бакалавр таълим йўналиши 2 курс 3-гуруҳ талабаларини, 2019 йилнинг 14 ноябр куни “ЭТваЭЖФ” кафедраси доценти Р.Юнусов, Тошкент шаҳар марказий магистрал электр тармоқлари корхонасига қарашли “Қўйлиқ” нимстанциясига олиб бориб “Электротехник материаллар” фанидан мутахассислар билан биргаликда дарс машғулотларини олиб боришди. Талабалар учун бу дарс машғулоти жуда қизиқarli ўтди. Талабалар ўзлари қизиққан саволарга мутахассислардан етарлича жавоблар олишди.



“ЭТ ва ЭЖФ” кафедраси доценти Ў.Халиқназаров ахбороти

Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов